«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“Нуронийлар” санаторияси
харид комиссияси раиси
______________ Б.Камалов
«27» апрель 2022 й.

# СУҒОРИШ МАҚСАДИДА СУВ ЧИҚАРИШ УЧУН ҚУДУҚ БУРҒИЛАШ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Тошкент - 2022 й.

## МУНДАРИЖА

1. Кўрсатилаётган хизматларнинг хусусиятлари ва кўлами....3
2. Пудратчига қўйиладиган талаблар....3
3. Қудуқ бурғилаш ишларини амалга ошириш....3
4. Иш жойи ва вақти....3
5. Бошқа шартлар....4

илова....5

## 1. Курсатилаётган хизматларнинг хусусиятлари ва кўлами.

1.1. Қудуқ бурғилаш хизматини кўрсатиш (кейинги ўринларда бурғилаш) санатория худудини суғориш учун режалапггирилган тадбирлар ташкилий-техник мажмуасидир.

1.2. Бурғилаш ишларини амалга ошириш ишлари жараёни иловада келтирилган.

## 2. Пудратчига қўйиладиган талаблар

2.1. Бурғилаш ишларини амлга ошириш учун ташкилотнинг рухсат этиладиган сертификата ва юкори малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги.

2.2. Бурғилаш ишларини амалга ошириш мехнатни мухофаза қилиш, ёнгин хавфсизлиги бўйича ўқитилган ва электр хавфсизлиги бўйича малака гурухида тегишли лавозимга эга бўлган ходимлар томонидан бажарилиши керак. Юқоридаги тренингларни тасдиқловчи хужжатлар иш бошланишидан олдин тақдим этилиши керак.

2.3. "Пудратчи", ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган техника ва анжомларни ўз хисобидан амалга оширади.

2.4. "Пудратчи", буюртма бўйича ишларни бажариш учун мутахассисларнинг ўз вақдида Буюртмачига юборишни таъминлаш.

2.5. "Пудратчи" хар қандай ишларни сифатсиз бажарган бўлса, ушбу ишлар учун зарур бўладиган материаллар ва эхтиёт қисмларни ўз маблағлари ҳисобидан қайта амалга ошириш.

2.6. Барча техника ва асбоб-ускуналар "Пудратчи"нинг мулки бўлиши шарт.

2.7. Зарур бўлганда, хавфсиз мехнат шароитларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни иш жараёнида тадбиқ килиш.
2.8. "Пудратчи" иш вақтини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек мехнат мухофазаси, ёнгин хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўлик риоя этишни таъминлаш.
2.9. "Пудратчи" ўз ходимларини иш қуроллари, шахсий химоя воситалари, иш кийимлари, махсус жихозлар ва сарфланувчи материаллар билан таъминлаш.

## 3. Қудуқ бурғилаш ишлари

3.1. Дизел двигателли машина ёрдамида тўғридан-тўри сув билан ювиш орқали қудуқни ротор услубида бурғилаш ;
3.2. Диаметри 215 мм бўлган долотни қўллаш;
3.3. Қудуқни ташқи диаметри 200 мм бўлган қувурлар билан қотириш;
3.4. Диаметри 200 мм гача бўлган фильтр колоннасини ўрнатиш;
3.5. ЭЦВ-4 русумли артезиан насосини ўрнатиш ва монтаж қилиш;
3.6. Бошқарув шитини ўрнатиш;
3.7. Қудуқни компрессовка қилиш ва шебен ётқизиш;Насосдан сув чиқариш учун зарур қувур ва кранларни ўратиш.

3.8. Қудуқдан сув чиқариб бериш ва бир йил давомида тизимга кафолатли кўрик ўтказиш.

## 4. Иш жойи ва вакти

4.1. "Буюртмачи"нинг қудуқ бурғилаш ишлари Тошкент шахар, Юнусобод тумани, Дехқонобод 34- уйда жойлашган "Нуронийлар" санаторияси худудида амалга оширилади.

4.2. Қудуқ бурғилаш бўйича хизмат кўрсатиш ва амалга ошириш муддати - Шартнома тузилган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабрь кунига қадар.

4.3. Қудуқ бурғилаш бўйича хизмат кўрсатиш "Буюртмачи"нинг иш вакти давомида амалга оширилади. Иш вакти дам олиш ва байрам кунларидан ташкари, соат 8:00 дан 17:00 гача (6/7). Объектга кириш санаси ва вакти Буюртмачи билан олдиндан келишиб олинади.

**5. Бошқа шартлар**

5.1. Иш, байрам, дам олиш ва таътил кунларида, шунингдек, куннинг қоронғу вактларида артезиан насосига техник хизмат курсатиш учун "Пудратчи"нинг "Ишонч телефони" мавжудлигини таъминланиши шарт.

5.2. "Пудратчи" ишонч телефонлари 24/7 давомида ишлашини хамда камида бир киши ишонч телефонига хизмат кўрсатишини таъминлаши шарт.

5.3. Пудратчининг ишонч телефонлари рўйхатини Буюртмачига шартнома тузилгандан сўнг берилишини таъминлаш хамда телефон рақамларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотни бир иш куни давомида Буюртмачининг вакилларига етказиб беради.

5.4. Насосда аварияни бартараф этиш юзасидан Буюртмачининг ваколатли вакилидан телефон орқали ариза (буюртма) келиб тушганда, Пудратчининг вакили объектга кечиктирмасдан етиб келишини таъминлаш.

5.5. Кондиционерлар да аварияни бартараф этиш юзасидан Буюртмачининг ваколатли вакилидан телефон оркали ариза (буюртма) келиб тушганда, Пудратчининг вакили объектга кечиктирмасдан етиб келишини таъминлаш.

Хўжалик ишлари бўйича
директор ўринбосари — Б.У.Шадиев